

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ**

халқаро конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

2014 йил 12-13 ноябрь

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
MINISTRY OF THE PUBLIC EDUCATION

TASHKENT STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY
SCIENTIFICALLY RESEARCHING INSTITUTE
OF THE PEDAGOGICAL SCIENCES OF UZBEKISTAN

MATERIALS

the international conference

***PEDAGOGICAL CO-OPERATION IN THE SYSTEM OF
CONTINUOUS EDUCATION***

November 12-13, 2014

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК УЗБЕКИСТАНА

МАТЕРИАЛЫ

международной конференции

***ПЕДАГОГИКА СОТРУДНИЧЕСТВА В СИСТЕМЕ
НЕПРЕРЫВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ***

12-13 ноября 2014 года

ФИЗИКАНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚўЛЛАНИЛИШ АСПЕКТЛАРИ

ТУРСУНМЕТОВ К.А., МАХСУДОВ В.Г., ШЕРАЛИЕВ С.С., ҲУДОЙБЕРДИЕВА А.И.
ЎзМУ, Тошкент

Физика фанининг нисбатан мураккаб ва ўқувчилар ҳамда талабалар томонидан ўзлаштириш қийин бўлган бўлими механик тебранишлардир. Унга ажратилган ўқув соатлари етарли бўлмагани учун, бу бўлимни илғор педагогик технологияларни қўллаб, интеграллашган ва интенсивлашган шаклларда ўрганишни талаб қилади. Шу сабабли бу муаммони нисбатан ҳал қилиш мақсадида ушбу мақолада “Механик тебранишлар” бўлимини ҳамкорликда ўқитиш педагогик технологияси асосида ўқитиш аспекти ёритилади. Сабаби, бу педагогик технологияда ўқувчи ва талабаларнинг фаол меҳнат қилиши, таълим жараёнига шиддиқлик билан ёндашишини ва мустақил фикр юритиши талаб қилинади. Шунингдек, ҳамкорликда ўқитиш технологиясини ўқув жараёнида қўллаш ўқувчи ва талабаларнинг ижодий фикр – мулоҳаза қилишга, онгли мустақил шахс бўлишига, ўз кучига ва қобилиятига ҳамда ишончга эга бўлишига, таълим ва таҳсилда маъсулият ҳиссига ҳамда шахсий кадр – қиматга ва тўғрига эга бўлишига, ўқув материални пухта ўзлаштиришга, ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам асосидаги фаолиятга ўрганишига, мулоқат маданиятини ривожлантиришига олиб келади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг катор педагогик технологиялари мавжуд:

1. Командада ўқитиш;
2. Кичик гуруҳларда ўқитиш;
3. “Зикзак” ёки “Арра” методи;
4. Биргаликда ўқиймиз;
5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишларни ташкил этиш методи.

Бу технологияларнинг ҳар бири мавзуга боғлиқ ҳолда самарали бўлиши мумкин. Бу барча технологияларда кичик гуруҳлар ташкил этилиб, уларга мавзунинг бўлимлари блоклар қўрилишида тавсия этилди.

Биз механик тебранишлар бўлимини 4 блокка бўлдик:

1. Механик тебранишлар ва уларнинг параметрлари;
2. Гармоник тебранма ҳаракатнинг кинематикаси;
3. Гармоник тебранма ҳаракатнинг динамикаси;
4. Тебранма ҳаракатларда энергия ва унинг ўзгариш қонуниятлари.

Лекин бу технологияни ўқув жараёнида қўллаш вақт бюджети нуқтаи назаридан муаммо бўлиб қолди. Шунинг учун, бу ўқув йилида “Механика” фани бўйича компьютерда инфор­мацион технологиялар асосида модул системаси ишлаб чиқилди. Бунда компьютер файл­ларига керакли назарий материаллар, назорат саволлари, блок шаклидаги вазифалар ҳамда тест вазифалари киритилган. Бу ҳолда ўқитувчи талабаларни гуруҳга – командага бўлиш, вазифаларни тарқатиш жараё­нлари автоматлаштирилган. Шунингдек, ҳар бир гуруҳнинг, ҳар бир талабанинг жавоби ҳам оғзаки, ҳам компьютерда таҳлил қилиниб қўрилади.

Шу жумладан, талабалар билимини 3 та қийинлик даражасидаги тест вазифалари асосида катта тезликда баҳолаш мумкин бўлиб, уларнинг ўзлаштириши ҳақида қисқа вақтда хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, инфор­мацион технологиясини физика таълимида ҳамкорликда ўқитиш педагогик технологиясига қўллаш таълим жараёнини интен­сивлаштиришга имкон беради.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРНИ ЎРГАТИШГА ДОИР АСОСИЙ МЕТОДИК ТУШУНЧАЛАР

ТАЖБЕНОВА С.С. НДПИ, Нукус

Бошланғич синф она тили дарсларида ўқувчиларга назарий билим бериш турли даражаларда амалга оширилади. Бундай даражаланишнинг меъёрий асослари «Она тили» давлат таълим стандарти ва ўқув дастури талаблари билан белгиланади. Ушбу талабларда грамматик назарияни ўргатиш зарурлиги инкор этилмайди, фақат унинг оз даражада ўрганилиши кераклигига ишора қилинади, холос. Чунки назарий билимсиз имло билан боғлиқ бирор грамматик амални тўғри бажариш қийин бўлганидек, машқларсиз тўғрилиқ сифатига эга бўлган на нуткий қўникмани, на орфографик малакани ҳосил қилиш мумкин эмас.

Грамматик назария ўрганилар экан, у асосийми, асосий эмасми, қай даражада бўлмасин, ўқувчиларнинг билимига айланиши керак. Бола фонетика сўзини билса, фонетика соҳаси нималарни ўргатиши ҳақида тушунчага эга бўлса, бунинг ҳам билим саналиши шак-шубҳасиздир. Назарияни бу каби билиш даражаси кўпроқ методик тушунчаларни ўзида акс эттирувчи феълларда яққол намоён бўлади. Масалан, термин-тушунчани билиш, таърифни эслаб қолиш, қондани тушуниб олиш, билимни амалий эгаллаш ва бошқа шу сингари­лар – бир хил даражадаги ўқув ҳаракатлари эмаслиги аён ҳақиқат.

Дарсда ўқув ҳаракатлари икки томонлама амалга ошади: бир томондан, ўқитувчининг фаолияти, иккинчи томондан, ўқувчиларнинг фаолияти натижа­сида юзага чиқади. Методист олимлар ўқитувчининг билим бериш фаолияти ҳақида гапирганда, қуйидаги методик тушунчалардан фойдаланадилар: билим бериш, ўргатиш,

тушунтириш, тушуниб олишларига эришиш, тушунчаларни шакллантириш, аниқлаш, билмаганларини тўлдириш.

Ўқувчининг билим олиш фаолияти: ўрганиш, назарий билим олиш, англаш, тушуниб олиш, билиб олиш, ўзлаштириб олиш, қурук ёдлаш, тушунчаларни шакллантириш, кузатиш, таҳлил қилиш (изоҳлаш), солиштириш (қиёслаш), умумлаштириш, хулоса чиқариш, мисол келтириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш.

Кўриниб турганидек, она тили дарсларида ўқитувчи ўқувчиларга назарий билим беради, шу мақсадда дастлаб ўргатиш ҳаракатида бўлади, янги билимни тушунтиради, турли йўллар билан ўқувчиларнинг тушуниб олишларига эришиш учун тегишли чоралар кўради, пировардида ўқувчиларда тил ҳодисаси юзасидан тушунчани шакллантиришга интилади, ўқувчиларнинг олган билимларини аниқлайди ва тўлдиради. Кўринадики, назарий билим бериш хусусида ўқитувчининг фаолияти ўргатишдан назорат қилишгача тасаввур қилинади. Методик тавсияларни баён этишда бу тушунчаларнинг айримлари (билим бериш, ўргатиш, тушунтириш) маънодошлар сифатида ишлатилса-да, уларда муайян даражаланиш, фарқланиш мавжуд. Тушунтириш билим бериш усулларидан бири бўлса, ўргатиш таълим жараёнини тўлиқ камраб олади. Ўргатишда аниқлик етишмайди.

Ўқувчиларнинг назарий билим олиш йўлида бажарадиган таълимий ҳаракатлари қуйидагича тартибланиши мумкин: ўрганиш, англаш: таҳлил қилиш (изоҳлаш), солиштириш, хулоса чиқариш, тушуниб олиш, ёдлаш, билиб олиш, ўзлаштириб олиш, тушунчани шакллантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш, мисол келтириш.

Айрим методистлар ўқитувчиларнинг фаолият турларига билимларни ўрганиш учун замин яратиш, ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, хулоса чиқаришга ундаш, уларнинг ижодий фикрлай олишларини, мулоҳаза юритишларини таъминлаш, кизиқишларини, фаоллигини оширишни киритадилар.

А.Палекеева ўқувчиларга теран билим бериш, тил ҳодисасини тўлиқ тушунтириш, икки хил қўлланиш сабабини сўраш тарикасида ўрганиш даражасини чуқурлаштириш сифатини қўшиб тавсия беради.

Айрим методист олимлар назарий сўзини ишлатмаслик учун «амалий ўргатиш», «амалий таништириш» каби ифодалардан фойдаланадилар. Бу ердаги амалий тушунчасини икки маънода англаш мумкин: 1) амалий йўллар билан ўргатиш (таништириш); 2) амалий мақсадларда ўргатиш (таништириш). Биринчи ҳолат бугунги кунда кенг тарғиб қилинаётган индуктив усулга хосдир: тил ҳодисаси дастлаб мисоллар асосида кузаттирилади, яъни уни ўргатиш (таништириш) амалий машқ бажаришдан бошланади. Амалий йўл билан назарий билимга қараб борилади. Шунга кўра «Амалий билан назарийнинг фарқи нимада?» деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, амалий индуктив усулга ишора қилса, назарий тил ўргатишдаги дедуктив усулдан фойдаланишни кўзда тутаяди.

Билимни амалий мақсадларда ўргатиш (таништириш) деганда асосан билимни амалда қўллаш қўникма ва малакаларини шакллантириш тушунилиши мумкин. Лекин, биламизки, назарий маълумотларнинг ҳаммаси ҳам амалда қўлланавермайди.

А.Палекеева ўқитувчининг маҳоратига ҳам муайян талабларни илгари суради. Чунончи, «...sawath, o'z kasibin' mamani, teren bilimge iye, o'z kasibin su'yetug'in, qa'dirleytug'in oqitiwshi bolıwı za'ru'r» (7-bet). Унинг фикрича, ўқитувчининг сўзи қисқа, аниқ, тиянакли, таъсирли, далилли, қизикарли бўлиши зарур (8-бет), ...дарс давомида ўқитувчи нуқул гапираверса, болалар жалиғип кетади...

Таъриф ва қоидалар мазмунини тушуниб олиш назарий билимни ўрганишдаги дастлабки кадам, энг қуйи даража ҳисобланиши мумкин. Ушбу даражада дастлабки тушунчалар ҳосил қилиниши мумкин. Булар амалий ишлар асосида шакллантирилади. Билим (назарий билим) беришнинг дастлабки қадами ўқитувчининг тушунтириши, ўқувчиларнинг берилган билим мазмунини тушуниб олишлари саналади. Демак, методик тавсиялардаги билим бериш ўқитувчининг фаолиятига тегишли, тушуниб олиш тушунчаси ўқувчилар фаолиятига тегишли. Фақат тушуниб олиш билимни англашнинг дастлабки даражасини, қадамини ифода этади. Бизнингча, методик тавсияларда ўқитувчининг қадамлари ҳам, ўқувчиларнинг қадамлари ҳам билимни ўзлаштириш даражаларига монанд баён этилиши аниқликни юзага келтиради.

Ўзлаштириш деган методик тушунча билимни ўзлаштириш, қоидаларни ўзлаштириш каби бирикмаларда ишлатилгани тўғри бўлади. Лекин қайси унлиларнинг йўғон эканлигини ўзлаштириб олиш мумкин эмас. Буни билиб олиш, эслаб қолиш мумкин.

Она тили дарсларида тил ҳодисаларини ўрганиш бир алоҳида йўналиш бўлса, олинган билимлар асосида нутқ ўстириш, нутқ маданиятини ривожлантириш ҳам алоҳида йўналиш деб топилади. Лекин ушбу икки йўналиш бир-бири билан узвий боғланишда бўлади. Ушбу йўналишлар ўқитувчи ва ўқувчилар олиб борадиган ўргатиш ва ўрганиш фаолиятидаги ўзига хосликларга эга.

Қоидалар асосида нутқнинг тўғрилигига эришиш ўқувчининг билимни амалда қўллаш қўникма ва малакаларидан далолат беради. Демак, методик йўриқ бошқача таърифланиши керак: ўқувчиларга назарий билимни амалда қўллашни ўргатиш ва шу асосда нутқнинг тўғрилигини (саводхонликни) таъминлаш.

Агар ўқувчиларнинг сўзларни қорақалпоқ тилининг имло қоидаларини асосида тўғри ёза олишларига эришиши кераклиги айtilса, бу билан таълимдан кўзланадиган мақсад ва пировард натижани ифодалаган бўлинади, лекин ўргатиш метод ва усуллари ноаниқлигича қолади. Аввал нималар ўргатилиши, қайси метод ва усуллар ёрдамида ўргатилиши аниқ кўрсатилмоғи, ўқувчиларнинг босқичи-босқич бажарадиган вазифалари даражаданган ҳолда баён этилмоғи лозим.

Хуллас, таълим жараёнини ёритишда фойдаланиладиган методик тушунчалар, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу жараёндаги фаолияти кенг тавсифланган тавсиялар тайёрланса, муаллимлар асосий мақсаддан чалғимаган ҳолда дарс ўтадилар. Бир ўқитувчининг эришган натижаларини ушбу тавсиялардан фойдаланган ўқитувчиларнинг ҳам такрор эришишлари реал ҳақиқатга айланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Qutlimuratov B. Qaraqalpaq tili 1-kl. Metodikalik qollanba. Red. S.Aytmuratova. – No'kis: «Bilim», 2003. – 32 b.; G'ulomova X., G'afforova T. Ona tili darslari: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: «Sharq» NMAK, 2003. – 3-4-b.; Palekeeva A. 4-klasta qaraqalpaq tilin oqituw boyinsha metodikalik qollanba. – No'kis: «Bilim», 2003. – 92 b.; Xudoyberganova M., Fuzailov S., Muxtorova M. 3-sinfda ona tili darslari: O'qituvchilar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: O'qituvchi, 2004. – 128 b.

ЎЙИНЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАХСГА ЎЎНАЛТИРИЛГАН ФИЗИКА ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСПЕКТЛАРИ

ТУРСУНМЕТОВ К.А., БЕГМАТОВА Д.А. ЎЗМУ, Тошкент

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси ўқув топшириқларини нафақат биргаликда бажариш шахсга ўўналтирилган ҳолда ҳамкорликда фанни ўрганишидир. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир талабани кундалик фаол ақлий меҳнатга ҳамда ижодий ва мустақил фикрлашга ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш ва таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати.

Талабаларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантикий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини кондиритишда ижодий ўйинлар муҳим аҳамият касб этади.

Шахсга ўўналтирилган физика таълимида ижодий ўйинлардан ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, конференциялардан фойдаланиб дарс ўтиш таълим самарадорлигини оширишда, мавзуларни ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ижодий ўйинлардан семинар машғулотида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Талабалар тенг сонли гуруҳларга бўлиниб, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни гуруҳ билан ҳамкорликда бажаришади, ўз билимларига таянган ҳолда жавобларини асослайдилар.

Ижодий ўйинли дарсларда ҳамма талабалар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб, янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса талабаларнинг ўз билимларига, қобилиятига ишонч уйғотади ва ҳар бир талаба сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик муваффақият гарови эканлигини англаган ҳолда билим олишга киришади.

Физикадан семинар машғулотида конференция дарсларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Конференция дарслари талабаларнинг билиш фаолиятларини интенсивлаштирати, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча материаллар билан таништиришда, фанга оид асосий ва қўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи конференция дарсини ўтишдан аввал дарс мавзусининг мақсади ва вазифаларини аниқ белгиллаб олиб, шу мавзуга оид қўшимча адабиётларни кўздан кечирилади. Семинар машғулоти ўтказишдан бир ҳафта олдин дарс мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия қилинади. Талабалар ушбу мавзуга оид маълумотларни тайёрлашади.

Конференция дарсини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи дарс мавзуси, мақсади, вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи “олимлар” билан таништирилади.

2. Маърузаларни тинглаш. “Олимлар” мавзу юзасидан тайёрлаган мавзуларини кўргазмали куруллар асосида баён этадилар.

3. Маърузалар муҳокамаси. Бунда “Олимлар” ва гуруҳдаги бошқа талабалар ўртасида мавзу юзасидан баҳс, мунозара ўтказилади.

4. Конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб яқунлайди.

5. Талабаларни баҳолаш. Дарсда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимига мувофиқ баҳоланади.

6. Уйга вазифа берилади.

7. Ўқитувчи томонидан дарс яқунланади ва хулосалар қилинади.

Демак, ушбу технологияларни жорий қилиш – талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши, талабаларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини таъминлаши, педагог ва талабанинг ҳаммаша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши, талабада ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.